

---

## ТАДБИРКОР АЁЛ ТАШАББУСИ

Марғилон шаҳридаги "Бахрин" маҳалласида яшовчи аҳолининг ҳеч бир тўй ва маросимлари Зулхумор Абдуғаффорова тайёрлаган мазали ва ҳамёнбоп бўлган қандолат маҳсулотларисиз ўтмайди.

Тадбиркор аёл доимий даромад манбаига эга бўлиш мақсадида имтиёзли кредит олиб маҳалладаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаган ҳолда ўз хонадонида бир-биридан тотли бўлган пишириқларни тайёрлашни йўлга қўйди.

Қарийб олти йилдан буён қандолатчилик билан шуғулланиб келаётган З.Абдуғаффорова шу кунгача маҳалладаги 60 нафардан зиёд хотин-қизларга пазандачилик сирларини пухта ўргатди.

2023-07-27 10:53:12